

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМГА БАХШИДА УМР

*Профессор Аҳмадҷон Қуронбеков
замондоилари хотирасида*

Тошкент – 2022

Илмга бахшида умр. Профессор Аҳмаджон Қуронбеков замондошлари хотирасида. – Тошкент: ТДШУ, 2022. 176 б.

Ушбу китобда таниқли эроншунос, адабиётшунос, тилшунос, навоийшунос, таржимашунос, “Дўстлик” ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Қуронбековнинг ҳаёт йўли, илмий ва педагогик фаолияти ҳақида фикр юритилади. Мазкур хотира китобида Устоз ҳақида замондошлари ва шогирдларининг хотиралари жамланган.

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари доктори, профессор
Абдурахим Маннонов

Тузувчи:

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б.
Нодир Нуриддинов

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(2022 йил 30 апрелдаги 9-сонли баённома).

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022

ЯНГИ АВЛОД ШАРҚШУНОСЛАРИНИНГ ЖОНКУЯР УСТОЗИ

(Сўзбоши ўрнида)

Инсон ҳаётининг мазмуни унинг атрофида қандай шахслар бўлганига кўп томондан боғлиқ бўлишини йил сайин англаб, кун сайин ҳис этиб боряпман. Бу фикрни ҳар бир инсон ўзига нисбатан ҳам ўйлаб кўриши билан бир вақтда, бошқалар хусусида ҳам айнан шу хулосага исбот топиши мумкин. Бир ўзбек зиёлиси сифати бахтлиманки, ҳамиша атрофимда олимлар ва киши интилиши, ўрганиши, таҳассуб қилиши мумкин бўлган ажойиб инсонлар бор бўлган. Шарқшунослик деб аталмиш катта бир оиланинг устунлари бўлмиш олимлар билан ҳамнафас бўлганим, албатта, менинг ҳаётимга ўзгача мазмун бағишлагани, мени руҳан ўстиргани шубҳасиз.

Сўнгги йиллар, дунёни қаттиқ титратган пандемия оқибатида катта йўқотишлар бўлди, бу ҳолат шарқшунослар оиласини ҳам четлаб ўтмади. Бирданига кетма-кет ўтганларимиз орасида ижодининг янги бир палласида иштиёқ билан ишлаётган Устозимиз Аҳмаджон Қуронбековни тўсатдан йўқотганимиз ҳаммамизнинг қалбимизда қаттиқ силкиниш, чексиз ўкинч пайдо қилди. Айтилмаган, аммо пишиб етилган қанча ғоялар, қоғозга тушиб улгурмаган қанча фикрлар, китоб жавонларимиз тўрига чиқадиган қанча асарлар яралмай қолди. Домла Қуронбековнинг савлат тўкиб, адл юришлари, гоҳ қаттиққўллик, гоҳ ҳазилкашлик билан бизларга дам ўргатиб, дам қойишлари, ҳар доим ўзларига ва бошқаларга ҳам талабчанликлари билан ҳамиша тартибли бир зиёли сиймосида қолдилар қалбларимизда.

Яралмиш хилқатлардан энг аълоси - инсоннинг тафаккур дунёсини намоён этувчи тилнинг сиру асрорларини очишда моҳирона ва илмий қарашлар силсиласини кетма-кет тақдим этиб келаётган Устозимиз табаррук 80 ёшга етиб, сермахсул даврни завқ билан яшаётган эдилар. Уларнинг илмий ижоддаги ғайратларини кўриб ҳавас қилардим.

“Хофиз асрорининг етти сири” асарини кўриб, Домланинг тилдаги ҳар бир сўздан чуқур маънолар ахтаришлари сири ва талабини энди-энди тушуна бошлаган эдим. Ахир асардаги поэтик тил, мазмунни ёритиш учун ўзга тилни шунчалар яхши билиш ва ҳис қилиш керакки, натижада тилнинг эгалари ҳам тан берсин. Домла, айнан тил эгаларини ҳам тан олдирган кучли билим эгаси эдилар. Буни кўплаб вазиятларда кузатганман.

Домла билан яқиндан танишиб, бирга ишлаш илмий тадқиқот гуруҳидаги фаолиятимизда бошланган. Лингвопоэтика йўналишида ишлаганимни билгач, проф. Б. Назаров билан бу янги йўналишга қизиқиш билдирдилар, бу мавзуда кўп суҳбат қилиб, натижада шарқ манбалари билан боғлиқ қандай иш қилиш мумкинлигини муҳокама қилдик. 2007 йилда илмий гуруҳ тузиб, давлат гранти бўйича лойиҳа яратдик, иш бошладик. Илмий гуруҳимизда проф. Б. Назаров, проф. А. Қуронбеков, проф. М. Имомназаров, доц. И. Бекжон, доц. А. Ваҳидов билан ҳамкорликда мураккаб йўналишда – тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси мавзусини ишлашга киришдик. Тасаввуфнинг ўзи бир олам, мураккаб таълимот. Унинг манбаларида фалсафий қарашлар акс этиши билан бирга чуқур маъноли сўзлар ва ифодаalar, рамзий маънолар акс этган бирликларни матн билан бир бутунликда таҳлил қилиш, маъно қирраларини ёритиш алоҳида билим тафаккурни талаб этарди. Хофиз асарларидаги маънолар хазинасини тадқиқ этган Аҳмаджон акага бу мавзу албатта у даражада мураккаблик туғдирмаган. Шарқшуносликда ҳали алоҳида фан йўналиши сифатида ишланмаган лингвопоэтикага киришиб, барчамиз биргаликда қатор жамоавий монография ва тадқиқотлар, мақолалар яратганмиз. Аҳмаджон Қуронбеков домланинг фаолликлари ҳаммамизга ўрнатқуч бўларли. Лойиҳада яратган илмий мақолалари, айниқса, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари-

даги истилоҳларнинг маъноларига оид асарлари ҳам фанда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Албатта бу жамоада, катта олимлар сирасида туриб ўз қарашларимни баён этиш имкони туғилгани, лингвопоэтикадек кўп қиррали соҳанинг муҳим жиҳатларини ҳамкорликда тадқиқ этиш ишида қатнашганим менга ўзига хос бир мактаб бўлган. Айниқса, ҳали ҳеч бир ерда бўлмаган “Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси” деб номланган катта ҳажмли ўқув қўлланмамизнинг ҳамкорликда тайёрланиб чоп этилиши, бу борада янги фанларнинг тартибини ишлаб чиқишдек янги ғояларнинг пайдо бўлгани, муҳокамаларимизда домланинг қанча қувонганлари ҳамон эсимда.

Тасаввуфий истилоҳларнинг қўлланиши ва маъно-мазмуну поэтик жиҳатларини ёритишга киришиб кетган, қатор илмий асарлар ёзган Аҳмаджон ака, бу йўналишда кейинчалик Навоий асарларидаги муҳим сўз ва ифодаларнинг рамзий маъноларига оид қатор мақолалар, китоблар яратдилар.

Алишер Навоий асарларини чуқур ўрганишга киришган домла охириги 10 йилликда бу йўналишда катта ишларни амалга оширдилар. “Хамса” дostonларининг конкордансини яратиш илмий тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқиб, шарқшунос олимлар А. Маннонов, М. Имомназаров ва уларнинг бир қатор шогирдлари билан бирга ишлаб, ҳали қилинмаган тадқиқотни амалга оширдилар. Аҳмаджон ака айнан мана шу ишни бажариш асносида Навоий билан диллашиб, унинг янгидан янги қирраларини очишга киришдилар. Кафедрада навоийшунослик бўйича бажариладиган илмий тадқиқот ишлари, магистрлик ва докторлик ишларининг қатор мавзуларини ишлаб чиқиб, шогирдлар етиштириб, бу йўлда алоҳида мактаб яратишга бел боғлаган эдилар. Конкордансдан кейин Навоий асарларининг санама сўзлиги – частотали луғатини ҳам ишлаб чиқишда бош бўлдилар. Бу йўналишдаги ишларини нафақат сўзларнинг миқдорий таҳлили, бал-

ки уларнинг маъно силсилалари бўйча, шунингдек, бу китоблардан фойдаланиш бўйича ўқув услубий қўлланмалар ҳам яратдилар. Қўринадики, бир бутун комплекс ишларни бошлаган эдилар домла. Навоий асарларида қўлланган сўзларнинг ҳар биридаги маънолар, умуман шоирлар султони-нинг тили хазинаси бўйича қатор китоблар яратдилар. ““Хамса” уммонидан қатралар”, “Ҳайратул аброр”даги инсон сиймоси ва маънавий дунёси” каби чуқур таҳлилларга бой монографиялари ўзбек навоийшунослигида ўзига хос ўринга эга бўлган бўлса, 2020 йилда Техронда форс тилида чоп этилган “Навоий “Хамса”сидаги маънолар хазиналари” номли китоб форсигўй ўқувчилар, олимлар учун алоҳида илмий манба бўлиб қолди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан ўлмас меросимиз намуналарини ҳозирги ёшларга тушунарли тарзда, оммабоп ва моҳиятга етадиган қилиб ёритилган нашрларни тайёрлаш бўйича берган вазифалари ижросига ҳам қаттиқ киришган эдилар Аҳмаджон Қуронбеков домла. Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонини айнан шу йўналишда шарҳлаб нашрга тайёрламоқда эдилар. Албатта, уни яқунлаб чоп этишимиз зарур.

Охирги йилларда домланинг нафақат Эронда, балки Ҳиндистонда ҳам мухлислари кўпайиб, ишлари қатор илмий давраларда машҳур бўлиб бормоқда эди. 2020 йилда Ҳиндистонга форсий адабиёт бўйича илмий конференцияда иштирок этганларидан кейин, у ердаги олимлар даврасида катта ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлдилар, ҳамкорлари сираси ортиб, ҳиндистонлик форс тили ва адабиёти мутахассислари билан ҳам ишлай бошлаган эдилар. У ердан жуда қаттиқ руҳланиб қайтганлари ҳамон кўз олдимда.

Аҳмаджон Қуронбеков домла илмий тадқиқот лойиҳаларини яратиш ва бажаришдаги тажрибалари боис ҳам олимлар жамоаси орасида фан йўналишидаги турли эксперт

гуруҳларига, илмий техник кенгашларига аъзо бўлиб, холис баҳоларини беришда ҳам фаол бўлиб келаётган эдилар.

Ёшларнинг илмий тадқиқотларини баҳолаш бўйича илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоси, илмий семинар раиси сифатида қаттиққўллик билан кўплаб лингвистик, таржимашунослик йўналишидаги ишларни баҳолаб, савияси ортишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Энди эса уларнинг танқидий руҳдаги экспертлик хулосаларини олиш, яратилаётган илмий ишлар ҳақида фикрларини эшитиш имкони йўқлиги кишини яна бир қайғуга солади...

80 ёшга тўлишлари арафасида домланинг илмий тадқиқотлари самаралари, шарқшунос кадрларни тайёрлашдаги фаолиятлари юксак баҳоланиб, давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган фармонга мувофиқ “Дўстлик” ордени билан мукофотланганлари ҳам қувончли бир воқеа бўлган эди.

Лингвистика, лингвопоэтика йўналишларида муҳим мавзуларни белгилаб, шогирдлар етиштиришни кўзлаган эдилар домла. Янги авлод шарқшуносларини мумтоз анъаналаримизга муносиб тарзда етиштиришда қаттиқ ишлаётган домламизнинг режалари улкан эди. Афсус, кутилмаганда рўй берган бу йўқотиш боис амалга ошмай қолди бу муҳим режалар. Уларнинг сиймолари шу режаларни қилиш иштиёқидаги зиёли, кучга тўлган, туганмас хазинадек бир салобатли шарқшунос олим сифатида хотирамизда қолди.

Охиратлари обод бўлсин. Кўплаб шогирдлари домланинг ишларини муносиб давом эттириб, руҳларини шод этишлари насиб қилсин.

Гулчеҳра РИХСИЕВА

Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори

МУНДАРИЖА

<i>Гулчехра Рихсиева.</i> Янги авлод шарқшуносларининг жонкуяр устози (сўзбоши ўрнида)	3
<i>Абдурахим Маннонов, Насимахон Маннонова.</i> Соғинч.....	8
<i>Муҳаммаджон Имомназаров.</i> Аҳмаджон Қуронбеков – филология илмида янги йўналиш асосчиси.....	14
<i>Ҳамид Наййирободий.</i> Хотираси барҳаёт профессор Аҳмаджон Қуронбеков ҳақида хотиралар.....	22
<i>به ياد استاد احمد جان قرانبيكوف. دكتور اخلاق احمد آهن</i>	24
<i>Мирсодиқ Исҳоқов.</i> Дўст хотираси ҳамиша барҳаёт.....	27
<i>Зоҳиджон Исломов.</i> Ўзбек шарқшунослигининг етук дарғаси.....	29
<i>Боқижон Тўхлиев.</i> “Улуғ бўлди эш-тўш аро белгулуг...”.....	31
<i>Шорустам Шомусаров.</i> XXІ аср илм дарғаси.....	36
<i>Улфатхон Муҳибова.</i> Форс тили ва адабиёти билимдони устоз Аҳмаджон Куранбеков хотираларига.....	37
<i>Холида Алимова.</i> Мактаб яратган шарқшунос.....	39
<i>Афтондил Эркинов.</i> Олим ҳақида.....	43
<i>Қудратулла Омонов.</i> Чўнг қоя.....	44
<i>Дилфуза Аҳмедова.</i> Бир шогирд армони.....	47
<i>Хайрулла Ҳамидов.</i> Жонкуяр шарқшунос.....	49
<i>Жасур Зиямуҳамедов.</i> Салобатли инсон ва жонкуяр олим эдилар.....	52
<i>Авазбек Воҳидов.</i> Оҳистарав, лекин манзилга аниқ етказувчи сорбон.....	57
<i>Ойдин Турдиева.</i> Олим ва педагог.....	60
<i>Адҳамбек Алимбеков.</i> Университет фахри эдилар.....	62
<i>Акрамжон Каримов.</i> Устозни хотирлаб.....	64
<i>Тўхтахон Зияева.</i> Ёднома.....	67
<i>Ҳулкар Мирзахмедова.</i> Хонангиз хувиллаб ётибди, устоз!.....	69
<i>Djimali Shabanov.</i> Alisher Navoiy bilimdoni.....	74
<i>Наргиза Шоалиева.</i> Яхши устоз ҳақида яхши хотиралар.....	76

Хусрав Ҳамидов. Форс тили алломаси.....	78
Сабоҳат Маҷситова. Инсонийликни шарафлаган улуғ зот....	82
Hulkar Turdiyeva. Eronshunoslik bilimdoni.....	88
Умедулло Маҳмудов, Парвиз Иззатиллаев. Ҳофизхон аллома.....	91
Сарвиноз Касимова. Меҳрибон устоз.....	95
Ойдин Тўйчиева. Устоди азиз, Аҳмаджон Қуронбеков.....	97
Муҳаббат Ҳабибова. Устозим.....	100
Нозима Ходиева. Фидойи ва бағрикенг устоз.....	103
Шерали Ертаев. Устоз ҳақида хотиралар.....	106
Дурдонахон Турсунова. Ўзбек шарқшунослигининг йирик вакили.....	108
Даврон Каримов. Устозим Аҳмаджон ака Қуронбеков ҳақида хотираларим.....	111
Обидхўжа Маҳмадхўжаев. Забардаст ва буюк эроншунос олим.....	113
Нодир Нуриддинов. Кафедрамиз виждони: талабчан раҳбар ва меҳрибон устоз.....	115
Азиза Нишанбаева. Устозим ҳамон кўз олдимда.....	121
Нодир Раҳматуллаев. Раҳбар эроншунос устозим.....	123
Saida Sultanxodjayeva. Xotirangiz mangu ustoz.....	126
Назокат Ибрагимова. Устозимни хотирлаб.....	128
Behzod Ja'farov. So'nggi o'git.....	131
Katola Jumayeva. Ilm homiysi.....	133
Dilovar Homidov. Ustozlarim ustozlari – ilm yo'lim chirog'i.....	136
ФОТОЛАВҲАЛАР	138
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР А. ҚУРОНБЕКОВНИНГ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ	154